

## Олтин куз

Севаман, олтин куз, севаман жондан,  
Атлас табиатли гўзал чоғингни.  
Дарахтлар либоси ранго-ранг, гулгун,  
Кузни эркалаган чаман боғингни.

Севаман, ерларга рангдор япроқлар,  
Юмшоқ ва ранг-баранг гилам тўшаса,  
Гул тергандай териб барг қизалоқлар,  
Кушлардай гурпанглаб яйраб ўйнаса.

Далада пахталар кумуши порлаб,  
Момиқ юзларини қуёшга тутса,  
Теримчи чечанлар этаклаб, қоплаб  
Тордай хирмонларга келтириб тўкса —

Мен беҳдд севаман! Енгим шимариб,  
К,излар орқдсидан юраман мен х,ам.  
Кенг водий к,уйнида куксим к,абариб,  
Яйрайман, нашъага туламан бу дам.

Симоб тулк,инлари тутиб осмонни,  
Мутгасил ёмрирлар зериктирса х,ам,  
Кумуш булоқдарнинг сувлари сокин,  
Кушлар инларига кириб олса х,ам.

Мен рамгин бок,майман, кунглимда бах,ор,  
Олтин япроқдарга к,араб толмайман.  
Ясан келинчакдай х,ар бир дарахтни  
Севаман! Нигоҳ,им уза олмайман.

Булут чодирини йиртиб, муралаб,  
Чик,са к,уёш, кукка буламан мафтун,  
Севаман нурларда пати ялтираб,  
Оппок, кабутарлар к,илсалар уйин.

Тузони ювилган барглар шамолда,  
Рангини куз-кузлаб к,илганда х,узур,  
Х,озир тинган ёмрир томчиларида,  
Олтин япроқдарда ёниб тоза нур —

Гавҳдр маржой каби ялтираб турса,  
Мени хдм урайди шеърий хдяжон!  
Куёшни кдршилаб чик,иб айвонга,  
Нурларга кумилиб юраман шодон.

Севаман олтин куз, севаман жондан!  
Товусдай безанган дарахт, борларни!  
Ёмрирли окдюминг, к,уёшли тонгинг,  
Хаёлга чумганим гузал онларни!  
**1943**